

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ НОФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛДАГИ ОЎЗАКИ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нуржамол Норматовна НОРМАТОВА

Таянч докторант

Термиз давлат университети

Сурхондарё, Ўзбекистон

РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ УСТНОЙ ИНОЯЗЫЧНОЙ РЕЧИ СТУДЕНТОВ НЕФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Нуржамол Норматовна НОРМАТОВА

Базовый докторант

Термезский государственный университет

Сурхандарья, Узбекистан

DEVELOPING FOREIGN LANGUAGE SPEAKING SKILLS OF THE STUDENTS OF NON-PHILOLOGICAL UNIVERSITIES

Nurjamal Normatovna NORMATOVA

Basic doctoral student

Termez State University

Surkhandarya, Uzbekistan normatova.nurjamol@mail.ru

UDC (ЎУК, УДК): 8.81.13.81-133

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Норматова Н.Н. Олий ўқув юртлари нофилологик йўналиш талабаларининг хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— № 4 (33). — Б.141-154.

<https://doi.org/10.36078/1605528512>

Received: August 20, 2020

Accepted: October 17, 2020

Published: November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Хорижий тилларни ўқитиш замонавий методикасида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида, хусусан, олий таълимда ҳам оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Айни даврда иқтисодий-ижтимоий, таълим ва бошқа соҳаларда халқаро алоқаларнинг тобора кенгайиши тайёрланаётган кадрларда айнан оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш масаласини нечоғли долзарблигини изоҳлайди. Олий ўқув юртлари нофилологик таълим йўналиши талабаларининг чет тилидаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, мулоқотнинг тўғри ва унумли юритилишини таъминлаш психологик-лингвистик омилларга жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Чет тилларини ўқитиш методикаси соҳасидаги илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, айнан психолингвистик факторларга етарлича аҳамият қаратмаслик, талабаларнинг ўрганилаётган хорижий тилда эркин мулоқот қилолмаслиги, оқибатда бошқа тил кўникмаларининг ҳам талаб даражасида ривожланмаслиги ва сусайишига олиб келади. Мақола доирасида нофилологик таълим йўналиши талабаларига хорижий тилларни ўқитишда оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёнидаги психологик ва лингвистик жиҳатларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари кўриб чиқиш мақсад қилинган. Ишнинг якуний натижаси сифатида ушбу жараёнда доминант функцияларни бажарувчи асосий

психолингвистик факторлар кўрсатилади.

Калит сўзлар: оғзаки нутқ; психолингвистик омиллар; компетенция; нофилологик йўналиш; тизимли ёндашув; коммуникативлик.

Аннотация. В современной методике преподавания иностранных языков развитие устной компетенции важно на всех этапах системы непрерывного образования, особенно в высшем образовании. В то же время растущие международные отношения в экономической, социальной, образовательной и других сферах объясняют необходимость развития компетентности речи у молодых специалистов. Развитие устной языковой компетенции у студентов нефилологического образования в высших учебных заведениях, повышение интероперабельности общения требует серьезного внимания к психологическим и лингвистическим факторам этого процесса. Результаты научных исследований в области методики преподавания иностранного языка показывают, что недостаточное внимание уделяется психолингвистическим факторам, неспособности учащихся свободно общаться на изучаемом иностранном языке, что приводит к снижению других языковых навыков. Данная статья призвана проанализировать психологические и лингвистические аспекты процесса развития устной речевой компетенции при обучении иностранным языкам учащихся нефилологического образования, выявить существующие проблемы и недостатки и рассмотреть пути их преодоления. В качестве окончательного результата работы выделены основные психолингвистические факторы, которые выполняют доминирующие функции в этом процессе.

Ключевые слова: устная речь; психолингвистические факторы; компетенция; нефилологическое направление; системный подход; коммуникативность.

Absract. Today, the development of oral competence is important at all stages of the continuous education system in the modern methodology of teaching foreign languages. At the same time, growing international relations in the economic, social, educational and other fields explain the need to develop speech competence in trained personnel. The development of oral linguistic competence among students of non-philological education in higher educational institutions, the increase in interoperability of communication requires serious attention to the psychological and linguistic factors of this process. The results of scientific research in the field of teaching a foreign language show that insufficient attention is paid to psycholinguistic factors, the inability of students to communicate freely in the studied foreign language, which leads to the development and decrease of other language skills. The following article is intended to analyze the psychological and linguistic aspects of the process of developing oral speech competence in teaching foreign languages to students of non-philological education, to identify existing problems and shortcomings and to consider the ways to overcome them. The main psycholinguistic factors that perform the dominant functions in this process have been identified

as the result of the work.

Keywords: oral speech; psycholinguistic factors; competence; non-philological direction; systems approach; communicativeness.

Кириш. Бугунги кунда таълим олувчилар нафақат ўрганилаётган чет тилида эркин мулоқот малакасига, шунингдек, миллат ва маданиятлараро муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларида фаол иштирок этишлари ҳам муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Оғзаки нутқ – нутқ фаолиятининг бир тури бўлиб, товушлар орқали юзага келувчи ва ушбу оқимни тушуниш (тинглаб тушуниш) ва худди шу тарзда товушлар ёрдамида ўз фикрларини баён қилиш (гапириш)ни ўз ичига олади. Оғзаки нутқ доимий равишда нутқ вазияти орқали юзага чиқади.

Оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантириш комплекс жараён ҳисобланади, унинг дастлабки шакллантириш босқичида талаффуз кўникмалари, лексик ва грамматик билимлар ҳамда тинглаб тушуниш малакаси пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи тил ўрганувчиларни янги структура билан таништиради, янги сўз ва сўз бирикмалари ўрганилади, фонетик қоидалар такрорланади. Айнан мана шу билимлар структураси етарли даражада бўлганда, улардан кичик монолог ва диалогик нутқ шаклларида фойдаланиш имконияти туғилади. Кейинги босқичларда (олий таълим босқичида) кичик монолог ва диалог шаклларида эркин мулоқот ўрнатишга асос сифатида фойдаланилади. Хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантириш масаласи ва унинг компонентлари таниқли жаҳон психолингвистлари И.Р.Галперин, А.А.Леонтиев, И.Л.Бим, Н.И.Гез, Н.Д.Галскова, Л.С.Виготский, Г.В.Рогова, И.А.Зимняя, Н.И.Жинкина ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шундай бўлса-да, ушбу жараёндаги баъзи хусусий жиҳатлар мавзу доирасида изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Асосий қисм. Хорижий тилдаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, унинг асосий таркибий қисмлари – монолог, диалог ҳамда полилог нутқ шакллари орқали амалга оширилади. Бироқ хорижий тил амалиётида ушбу шакллардан комплекс тарзда, босқичма-босқич, узвийлаштирган ҳолда фойдаланилади. Оғзаки нутқ жараёнини сўзлашиш ҳамда тинглаб тушуниш (экспрессив) тил кўникмалари ўзаро мутаносибликда юзага келтиради (7, 58). Узлуксиз таълим жараёнида оғзаки нутқ компетенцияси босқичма-босқич ривожлантириб борилади. Олий таълим муассасаларида хорижий тилдаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг мақсади – талабаларнинг турли социал-детерминант вазиятларда амалга ошириши керак бўлган оғзаки мулоқот кўникма ва малакаларини ҳамда ушбу жараёндаги мотивацияни ривожлантириш, эришилган натижани амалда қўллашдан иборат.

Илмий адабиётларда оғзаки нутқ кўникмаси ва оғзаки нутқ компетенцияси тушунчалари мавжуд. Бунда “кўникма” ва “компетенция” тушунчалари ўртасидаги фарқни келтириш жоиз. Кўникма — такрорлаш орқали мукамал даражага етказилган билимлар мажмуаси. Бунда ҳар қандай фаолият усули, мустақил ҳаракат қила олиш этаpidан ўтган ҳолда, доимий такрорлашлар натижасида кўникмага айланади.

Компетенция тушунчасига В.М. Ростовцева “билимлар, кўникмалар, қобилиятлар ва фазилатларнинг бирикмаси (шахсий ва касбий жиҳатдан), шунингдек, янги билим ва тажрибага эга бўлиш қобилияти ва уларни ҳаётга татбиқ этишга тайёрлик” сифатида изоҳласа (8, 47), И.А. Зимняя уни “интеллектуал шахснинг ижтимоий ва касбий ҳаёт фаолияти” сифатида таърифлайди (5, 48). Демак, компетенция – муайян фаолият турини амалга ошириш учун зарур касбий кўникмалар йиғиндиси, компетентлик эса, у


ёки бу фаолиятни бажариш қобилиятини акс эттирувчи омил сифатида қаралади. Шунингдек, компетенция — бирор муаммони ҳал қилиш учун зарур декларатив ва операцион билим, кўникма ва фазилатларни сафарбар қилиш малакаси ва тайёргарлик даражаси; касбий фаолиятга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш ва ушбу фаолиятни эгаллашга тайёрликни таъминловчи ажралмас компонент бўлиб, унда касбий тайёргарлик ва ўз-ўзини такомиллаштириш пировард мақсад сифатида тушунилади.

Оғзаки нутқ тил белгиларининг ифода этилаётган маълумот ва ахборот оқими талабидан келиб чиққан ҳолда муайян қоидалар асосида берилиши бўлиб, рухий-физиологик артикуляцион, ижтимоий, маданий фаолиятлар натижаси ҳисобланади. Шу боис ҳар қандай тилдаги оғзаки нутқ жараёни ва унинг ривожлантирилиши тилшунослик, психология ва лингводидактиканинг тадқиқ объекти ҳисобланади. Тилшуносликда сўзлашув компетенцияси тил маҳсули сифатида ўрганилса, психология уни муайян индивидга хос нутқ жараёни деб ҳисоблайди.

Нутқ тилшунослик нуктаи назаридан (адабий сўзлашув услуги) ёзма ва оғзаки каби икки асосий турга ажратилади. Оғзаки нутқ ўз ўрнида адабий (расмий) ва сўзлашув услугида рўёбга чиқарилади. Ж.Трент бу жараёнда қуйидагиларни таъкидлайди: “Ёзма нутқдан кўра оғзаки нутқнинг устувор жиҳати шундаки, унда интонация, мимика ва имо-ишоралар орқали сўзловчи тингловчига вазиятнинг икки-чикирларигача ахборот бериши мумкин” (14, 256). Хорижий тилда мулоқот жараёнини йўлга қўйиш баъзи психологик функцияларга бориб тақалади. Инсон ўзга тилдаги нутқни тинглаб тушуниши ва унда мулоқот қила олиши учун унда бу жараёнга нисбатан эҳтиёж бўлиши керак, улар асосида эса талабада мотивация юзага келади. Машхур психолог А.А. Леонтевнинг эътирофича, мотивдан сўнг сўзловчида ички нутқ фазаси юзага келади (6, 85). Шундан сўнг мотивни амалга ошириш, яъни ташқи нутқ фазасига етиб келинади. У ички нутқ, бу сўзларнинг фикрларга айланиш жараёни, ташқи нутқ эса, аксинча, фикрларнинг сўзга алмашинуви, деб ёзади (6, 87). Шунингдек, олим ички нутқнинг психологик табиатини тўғри англамасдан, фикрларнинг юзага чиқиши, сўзга айланиш жараёнини ўрганишга ва уни ривожлантиришга йўл йўқлигини таъкидлайди.

Хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантиришнинг психологик омиллари қуйидагилар: а) тилда мулоқот қилишнинг мақсадлари; б) ички мотивациянинг мавжудлиги; в) дарсда мутаносиб муҳитнинг яратилиши; д) аутентик мулоқот вазиятларини яратиш. Психологияда шахснинг субъектив хусусиятлари, яъни унинг табиати (атроф-муҳитни) ўзгартиришга бўлган фаол ҳаракатлари, шунингдек, ушбу фаолиятни аниқлайдиган унинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари, мўлжалланган натижаларга эришиш йўллари, уларнинг амалий аҳамияти ва кўлами чет тилини эгаллашда асосий кўрсаткич бўлиши мумкин. Хорижий оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги психологик омилларни ҳисобга олиш лозим:

1-расм. Хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий психологик омиллари



Ҳар қандай оғзаки мулоқот жараёни муайян мотивга интилиш, истак ва қизиқишларни рўёбга чиқаришга қаратилади. М.Тамнинг фикрича, мотивсиз ҳеч қандай нутқ жараёни юзага келмайди. Демак, талаба нега мулоқот қилаётганини тушуниши ва уни онгли равишда амалга ошириши керак. Хорижий тилни ўрганаётган талабада “нега?” (мақсад – мотив) ва “нима учун?” (вазифа) бу тилда мулоқотга киришим керак, деган саволларга жавоб бўлиши керак (15, 35). Яъни улардаги асосий психологик фактор — ушбу хорижий тилда сўзлашишга мотив ва истак бўлиши шарт.

Н.Д. Галскова ва Н.И. Гез хорижий тилларни ўқитиш ва ундаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти куйидагиларни ўз ичига олиши керак, деб ҳисоблайди: таълим йўналиши соҳаларига мос равишда танланган мавзулар, касбга йўналтирилган нутқ фаолияти ва нутқ материаллари; тил материаллари (фонетик, лексик, грамматик, имло), уни тузиш қоидалари ва улар билан ишлаш кўникмалари; муаммоли вазиятларни мулоқот воситаси сифатида яратиш, шу жумладан, маданиятлараро тушунчалар ва фарқларни ҳам чет тилини амалий билиш даражасини тавсифловчи махсус нутқий кўникмалар мажмуини яратиш; ўрганилаётган тилнинг миллий-маданий хусусиятлари ва воқеликларини билиш тизими; таълим ва мослашиш кўникмалари, ақлий меҳнатнинг интерактив усуллари, хорижий тилда мулоқот қилиш ва ўз тингловчисини ҳурмат қилиш маданиятини таъминлаш (3, 47).

А.А. Леонтев жараённинг психологик ҳамда педагогик жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда, ушбу жараён инсон тараққиётининг муҳим омили бўлиб, унда тил ўрганувчининг ақлий ҳамда шахсий хусусиятларининг ривожланишини изоҳлайди. Унинг ёзишича, психология нуқтаи назаридан машғулотлар ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро фаол таъсир остида бўлиши ҳамда бир-бирларини тўлдириб туриш шартини ўз ичига олади (6, 87). Унда эркин ва дўстона муҳит, ўзаро тенглик ҳисси ҳукмронлик қилгандагина жараён ижобий тус олиши мумкин.

Н.А. Дулепова талабаларнинг чет тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш йўллариини ўрганиб, талабаларни эркин мулоқотга тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади, деган хулосага келади: биринчиси, тузатувчи-тизимлаштирувчи — умумий таълим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлса, иккинчиси, профессионаллаштириш – махсус касбий муаммоларни ҳал қилиш босқичи. Муаллиф аҳамият қаратган когнитив универсал ҳаракатлар таълим стандартининг етакчи таркибий қисмларидан бири ҳисобланади (4, 42).

Таниқли инглиз тилшуноси З. Патил тил ўрганиш жараёни асосини меҳнатни ривожлантириш, ўрганувчи ва ўргатувчи томонидан таълим жараёнини тенг бошқариш ва ўз устида ишлаш қобилиятини шакллантириш; атроф-муҳитдаги реал воқеа-ҳодисаларнинг машғулотларда акс этиш имкониятларини ташкил қилишини қайд этади (12, 227). Мерсиер ҳамда Хиггинс тадқиқотларида ўқитувчи томонидан таъсир нафақат таълимдаги лингвистик компонентларга, балки тил ўрганувчиларнинг билим ва кўникмаларига, шунингдек, таълим сифати

ривожланиши учун ташқи ижтимоий-психологик шароитлар (муҳит, шахслараро муносабатлар тизими, дарсдан ташқари таълим компонентлари ва бошқалар)ни яратишга йўналтиришни ёқлаб чиқишади (10, 30).

Ўзбек тилшунос-методист олимлари томонидан ҳам ушбу йўналишда бир қанча изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, талабаларга хорижий тилларни ўқитишда нутқ кўникма ва малакаларини шакллантириш масалаларини кўриб чиқиш асносида, Д.У. Хашимова ушбу тизимдаги умумий бирлаштириб турувчи таълим концепциясини яратиш ҳамда бунда логводидактик тамойилларни татбиқ этиш таълимнинг муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларини самарали ҳал қилишда ёрдам беради, деб асослайди (9, 24).

Л.Т. Ахмедова чет тилидаги оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантиришда шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллашни таклиф қилади, бу чет тилини ижодий потенциал туфайли мулоқотда рефлексив фикрлаш, касбий маданият ва ўз-ўзини англашни ривожлантириш ҳамда бўлажак мутахассисларнинг умумий компетентлиги туфайли эркин ижодий шахсни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди (1, 21). Бир томондан, тадқиқотда асосий эътибор компетенцияга асосланган ёндашувга, иккинчи томондан, жараёнинг психолингвистик омилларига қаратилади.

Баъзи тадқиқотчилар олий таълимнинг айнан нофилологик йўналишларида хорижий оғзаки нутқни ривожлантиришнинг психолингвистик самарадорлигига кўпроқ аҳамият бериш кераклигини таъкидлашади (11, 3215). Бунда хорижий тилни оғзаки эгаллаш, таълимни жадаллаштириш ва модернизация қилиш, интеллектуал ва руҳий жиҳатдан шахсни ижодий тарбиялаш мақсадига қаратилган инновацион технологияларни жорий этиш қўллаб-қувватланади.

Демак, олий ўқув юрти битирувчисига хорижий тилда эркин мулоқот қилиш, суҳбатдошнинг нутқига қарата вербал ва невербал воситалар ёрдамида жавоб қайтариш, ўз мутахассислиги доирасида касбий атамалардан фойдаланган ҳолда нутқ (монолог ёки диалог) яратиш, нутқий вазиятларда ўқув дастурларида белгиланган тематикалар асосида хорижий тилда мулоқот қилиш каби талаблар қўйилади. Шунингдек, тайёргарликсиз нутқ, яъни ўзи ва атроф-муҳит, унда содир бўлаётган реал вақт кесимидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида адекват оғзаки муносабат билдириш қобилиятига эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оғзаки нутқ нутқий фаолият тури сифатида қуйидаги параметрлари билан характерланади:

Мотив – сўзлашишга бўлган эҳтиёж;

Функция – тингловчига таъсир ўтказиш характери; ўз фикрларини ифода этиш усуллари;

Предмети – ўзининг ёки ўзганинг фикри;

Тузилиши – фаолият ва ҳаракат маҳсули;

Механизмлари – фикрлаш, англаш, илҳомланиш, қўшиш-аралаштириш;

Воситаси – тил ва нутқ материаллари;

Маҳсули (натижаси) – монологик баёнот; диалогик нутқ турлари;

Юзага чиқиш шартлари – нутқий вазият, таянчнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.


Оғзаки нутқ компетенцияси кенг қамровли тушунча сифатида ўз ичига сўзлашув кўникма ва малакалари ҳамда улар ҳақидаги билимларни умумлаштиради. Унинг негизида продуктив (талаффуз) ёки ифода этиш (ритмик-интонацион) ва лексик-грамматик кўникмалар ётади. Хорижий

тил оғзаки нутқ компетенцияси мураккаб интеграл кўникмалардан иборат, у сўзловчининг мақсадли, фаол ва мустақил фаолият тури сифатида ажралиб туради. Унга фикрлаш, эвристик ва ситуативлик хос.

Оғзаки нутқни ифода этишда ушбу фаолиятнинг мустақил ва дастурлаштирилганлик даражасига қараб инициатив (фаол), реактив (мулоқотга жавобан) ва репродуктив нутқ турларига ажратилади. Оғзаки нутқ диалогик, монологик ёки ҳар иккисининг мураккаб боғлиқ формасида юзага келиши мумкин. Юқоридагиларнинг ҳар бири психологик ва лингвистик хусусиятларга эга бўлиб, хорижий тил таълимида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришда назарда тутилиши лозим. Бу монологик ва диалогик нутқ турларини ривожлантириш, материалнинг ташкил қилиниши ва у билан ишлашнинг усулларида дифференциал ёндашув тақозо этилиши билан изоҳланади.

Оғзаки нутқ компетенциясининг асосий таркибий қисми фикрларнинг ташқи нутқда товушлар ёрдамида ифода этилиши жараёнидир. Бунда оғзаки нутқнинг ташқи тузилишини кўриб чиқиш лозим. Уни қуйидаги графика орқали умумий тарзда изоҳлаш мумкин:

2-расм: Оғзаки нутқнинг ташқи структураси



а) Мотивацион – уйғотувчи қисм оғзаки нутқ баёнидан нима учун (зарурат), нега (мотив, суҳбатдошни мулоқотга тортиш) ва нима (мақсад) кераклигини ўзида акс эттиради.

б) Аналитик – синтактик қисмда оғзаки нутқнинг мақсадини юзага чиқаришга тайёргарлик босқичидир. Ўрганилаётган чет тилида оғзаки нутққа киришиш учун талаба ўз хотирасида сақланиб қолган сўзларни танлай билиши (анализ) ҳамда улар орқали ўз фикр-баёнларини ифода этиш (синтез)да фойдаланиши лозим. Сўзлар хотирада сақланиб қолиши учун талабада парадигматик ва синтагматик алоқалар шакллантирилган ва олий таълим босқичида уларни ривожлантириш талаб этилади. Ушбу алоқалар қанчалик мустаҳкам бўлса, оғзаки нутқда сўзлардан самарали фойдаланиш учун тайёргарлик шу даража юқори бўлади. Парадигматик алоқа сўзларнинг турли хусусиятларига (қарама-қарши ёки аксинча яқин маъно касб этиши каби) қараб ажратилган, таққосланган ҳолда ассоциация қилишни тақозо этади.

Синтагматик алоқада бир сўзнинг бошқалари билан мос келишига эътибор қаратилади. Оғзаки нутқни ривожлантиришда асосий аҳамият касб этгани ҳолда, синтагматик алоқа таҳлил жараёнини амалга оширади. Бунда систематик равишда оғзаки нутқда қўлланилишига тайёр бўлган хорижий тил бирликлари танланади (I know the answer; I want to go out; let me think каби), моторик хотира ишга тушади ҳамда вербал воситалар ёдга

олинади. Синтез жараёни конструкциялаш, комбинация қилиш, ибораларни қуриш ёки қайта қуриш, яъни уни грамматик структуралашни ўз ичига олади, айнан мана шу жараён хорижий тилдаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Талаба мулоқотга киришишда даставвал хотирасида сақланиб қолган иборани ёдга олади, нутқий вазиятга унинг қай даражада мос келишини таҳлил қилади (масалан I am ready for the given homework), зарурат туғилганда кўплик шаклига ўтказиш лозимлигини тушунади ва маълум феъл замонларига трансформация қилади (I=We; am=are) – интерференция ходисаси рўй беради.

с) Назорат қилувчи-бажарувчи қисм – оғзаки баёнотнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш ва назорат қилиш жараёнидир. Унинг вазифаси йўл қўйилган хатолар ҳақида хабар бериш ва уларни тузатишдан иборат. Тил устида мунтазам ишлаш айнан оғзаки нутқдан мунтазам фойдаланиш амалиёти жараёнида юзага келувчи – «эталон» сифатида хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, оғзаки нутқ компетенцияси сўзлашув кўникмасини ўз ичига олгани ҳолда бошқа тил кўникмалари билан узвий боғлиқликда ривожлантирилишни тақозо этади. Даставвал оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш тинглаб тушуниш кўникмаси билан чамбарчас боғлиқликда олиб борилишини назарда тутиш лозим. Лингвистик ҳамда психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ички хусусиятларини инобатга олган ҳолда, оғзаки ва ёзма нутқ шакллари бир-биридан фарқли тизимлар сифатида кўрилмайди; аксинча мулоқотнинг ягона рецептив ва продуктив турлари ҳисобланади.

Гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларининг қиёсий характеристикасига эътибор қаратадиган бўлсак, улар ички нутққа таянган ҳамда прогнозлаш механизмига асосланадиган мураккаб фикрлаш фаолияти сифатида изоҳланади. Асосий фарқ сифатида уларнинг тугаш нуқтасини кўрсатиш мумкин – гапириш жараёнида маълумотлар шифрланса, тинглаб тушуниш жараёнида эса у қайта очилади. Узатилаётган хабарни кодлаш жараёни тилнинг фонетик тизимидан яхши фойдалана олишни талаб этади.

Гапириш кўникмасидан ажратилган ҳолда тинглаб тушуниш малакасини ривожлантириш эшитиш қобилиятининг нотўғри йўналтирилишига ва акустик-артикуляцион кўникмаларни ривожлантириш жараёнининг мураккаблашувига олиб келади. Оғзаки мулоқот шаклларининг қисқача қиёсий таҳлили гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларининг яқин алоқада экани, ўзаро таъсир этувчи аҳамиятга эгаллигини кўрсатиш баробарида, уларнинг ўқиш ва ёзиш каби ёзма нутқ шакллари билан ҳам органик боғлиқликда эканлигини кўрсатади. Ёзиш малакаси талаффуз этилган нутқ базасида юзага келиб, оғзаки ифода этилган маълумотнинг ёзма сақланиш усулидир. Ўқиш эса гапириш (сўзлашиш) кўникмасининг ўзгача шаклдаги талқини бўлиб, унда ҳар икки турдаги хусусиятлар намоён бўлади. Ушбу нутқ фаолияти турларининг ҳар қайсиси бир қанча анализаторларнинг умумийликда фаолият кўрсатиши натижасида юзага келади. Бироқ ҳар бир нутқ фаолиятининг функцияси бир-биридан фарқ қилувчи муайян дифференциал коидаларга бўйсунди. Анализаторлар орасидаги боғлиқлик эса динамик, ҳаракатчан ва бир нутқ фаолияти шаклидан бошқасига ўтганда ўзгариш хусусиятларига эгадир.

Демак, оғзаки нутқ ва эшитиш анализаторлари ўртасидаги боғлиқлик абсолют эмас, балки унда биринчи навбатда ақлий фаолиятнинг мураккаблик даражаси, шунингдек, мулоқот тури (оғзаки ёки ёзма), матн тилига оид қийинчиликлар, ўрганилаётган хорижий ва она тилида

талабаларнинг мавжуд тил тажрибаси каби факторларга таянади. Оғзаки нутқ маҳсули нафақат шакл жиҳатдан, балки мазмунан юқори савияда бўлиши учун унинг яратилиш ҳамда ривожланиш жараёнида “мотив” бўлиши талаб этилади, яъни сўзловчининг мулоқотга иштирок этиш истаги. Бу истак пайдо бўлиши учун хорижий тил машғулотида “нутқий вазият” яратиш зарур.

“Нутқий вазият” – сўзловчида гапириш учун туртки бўладиган, уни бу жараёнга қизиқтирадиган вазият тури ҳисобланади (12, 78). Оғзаки нутқ мулоқотнинг мақсад ва мотиви, мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий мавқеи, ёши, ақлий салоҳияти, экстроллингвистик ва бошқа шу каби ривожлантирувчи вазият ва шарт-шароитлар билан ҳамбарчас боғлиқ. Юқоридагиларнинг барчаси мулоқот вазиятини белгиланган режага асосан зарур ҳамда етарли бўлган нутқий ҳамда нутққа оид бўлмаган шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди.

Е.Н. Гальскова “нутқий вазиятни” – реал, шартли ва муаммоли гуруҳларга ажратади (3, 48). Г.В. Рогова эса уларни қуйидагича таснифлайди: реал, шартли, ҳаётий, фантастик, конкрет, мавҳум, муаммоли. Бунда тил ўрганувчиларнинг психологик хусусиятлари ва тил материаллари ҳисобга олинади. Г.В. Рогова оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришда мулоқотни яратиш ҳамда уни стимуллашнинг қуйидаги асосий компонентларини санаб ўтади (7, 60):

- а) гапиришда “мотив”нинг мавжудлиги;
- б) ситуативлик;
- в) шахсга йўналтирилганлик.

Ушбу омиллар биргаликда нутққа коммуникатив хусусият беради.

Табиий мулоқот — сўзловчиларда гапириш учун зарурат ҳосил бўлганда, вазият ёки ҳолат ушбу жараёни юзага келтиргандагина пайдо бўлади. Ўқув машғулотида эса мотив вазият шартига кўра эмас, кўпинча ўқитувчининг буйруғи остида ҳосил бўлади. Натижада фақат шакл жиҳатидан мавжуд бўлган фиктив нутқ юзага келади. Америкалик психолог Риверс хорижий тилдаги оғзаки нутқ жараёнининг биринчи ва муҳим шarti сифатида айнан ички истак ва эҳтиёж омилини эътироф этади: “тил машғулотида мулоқот қилиш учун нутқий вазиятни – вазиятга “ин қурган” мотив каби яратиш ва ундан шу тарзда фойдаланиш лозим” (13, 66). Нутқни юзага чиқарувчи таълимий вазиятни яратиш учун эса унинг ички тузилишини билиш ва назарда тутиш талаб этилади. Г.В. Рогова таълимий нутқ вазиятини қуйидаги таркибий қисмларга ажратади:

- вербал ёки кўрсатмалар воситалар ёрдамида аниқ тасаввур уйғота оладиган (нутқий ёки нутқий бўлмаган вазият юзага келадиган аниқ жой ва вақт, ҳаракат-ҳолатнинг аниқ тавсифи) ҳаётий – реалликнинг бир қисми;
- иштирокчи томонлар – суҳбатдошининг нутқ мақсадларини, бир-бирига бўлган муносабатларини, муайян характер-хусусиятларини англаган мулоқот иштирокчилари (7, 61). Бунда нутқий вазиятни талабаларнинг мавжуд муаммо ва эҳтиёжлари, қизиқишларига асосланиб танлаш, унинг ҳаётий ва қизиқарли бўлишига самарали таъсир ўтказиши.

Шахсга йўналтирилган нутқий вазиятларни яратиш ақлий фаолият билан бир қаторда тил ўрганувчиларнинг ички ҳис-туйғуларини ҳам дарс жараёнига жалб этади. Шу сабабли оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришда ролли ўйинлар, импровизация ва драмалаштирилган сахналар жуда кўл келади. Хорижий тил ўқитиш методикасида тил ўрганиш босқичига кўра оғзаки нутқ тайёрланган ва тайёргарликсиз даражаларга ажратилади. Тайёргарлик асосида нутқ яратиш олдиндан тил материаллари билан танишиб чиқишни талаб этса, тайёргарликсиз нутқ эса

ташқи ёрдамчи воситаларсиз, эркин мулоқот даражаси сифатида изоҳланади.

Лингвистикада нутқнинг стилистик бўёқлари, ундаги экспрессив-модал воситалар, фразеологик бирликларнинг ўз ўрнида ишлатилиши назарда тутилади. Айниқса, хорижий тилдаги сўзлашув компетенциясини ривожлантиришда неологизм ва бошқа юқоридаги воситаларнинг ортиқча ишлатилиши турли тушунмовчиликларни юзага келтиради. Шунингдек, қуйидаги лингвистик компонентлар устида ишлаш ушбу муаммога ечим бўлиши мумкин:

- 1) оғзаки нутқни лойиҳалаш учун талаффуз стандартлари;
- 2) ўрганилаётган иборалар, янги ўзлаштирилаётган луғат бойлигини мулоқот жараёнида қўллаш учун грамматик пойдевор;
- 3) нутқнинг лексик ва грамматик қоидаларини билиш;
- 4) универсал категорияларни она тилида ва инглиз тилида ифодалашнинг умумий ва ўзига хос усуллари;
- 5) нутқнинг номувофик жиҳатларини кўра олиш ҳамда унда тезкор тузатишларни амалга ошириш;
- 6) оғзаки ва ёзма нутқ тузишда ўқиш ҳамда тинглашнинг турли хил стратегияларидан, қоидаларидан тўғри фойдаланиш;
- 7) ўз фикрларини аниқ ва қисқа иборалар ёрдамида ифодалаш;
- 8) чет тилида лексик ва грамматик жиҳатдан тўғри жумлаларни қура билиш;
- 9) тайёргарликсиз (спонтан) нутқда адабий нормаларга мувофик келадиган, фонетик, лексик ва грамматик, интонацион-синтактик жиҳатдан хатосиз мулоқотга киришиш;
- 10) чет тилидаги нутқнинг муносиб коммуникатив структурасини яратиш.

Олий таълим муассасалари нофилологик йўналишлардаги талабаларнинг хорижий оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёнидаги асосий психологик факторларни қуйидагилар ташкил этади:

— хорижий тил оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришда қўйилган таълим мақсадларида, умумий талаблар мажмуи, таълим усуллари ва воситаларида, талабаларнинг нафақат билим ва қўникмаларини такомиллаштириб қолмай, уларда касбий ва шахсий фазилатларни ҳам уйғунликда ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкиллаштириш;

— талабани доимий ўз устида ишлаш, билим-қўникмаларни мустақил ривожлантиришга, ижтимоий ҳаракатчанликка интилувчи малакали мутахассис сифатида тайёрлаш;

— шахс сифатида индивидуал ёндашув, ҳар бир талабанинг ижтимоий мақсадлари, характеристика ва қобилиятларини инобатга олиш, машғулотларда уларда юқори даражадаги мотивация ва фаолликни ошириш контекстида ўқитиш;

— талабаларда хорижий тилдаги оғзаки нутқнинг тайёргарликсиз амалга оширилишини босқичма-босқич мураккаблаштириш, кундалик турмуш тарзида хорижий тилдан узлуксиз фойдаланишни таъминлаш, мулоқот учун асосан ҳаётий (аутентик) мавзуларни танлаш;

— машғулотларда хорижий тил атмосферасини яратиш, дарс давомида талабалар орасида ва уларнинг ўқитувчи билан эркин ва дўстона, ўзаро тенглик муҳитини яратиш;

— хорижий тилларни ўқитишда лингвомаданий ва психолингвистик ёндашувларни уйғунлаштириш: чет тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, миллий менталитетининг ўзига

хос хусусиятлари, тарихини ўрганиш ва уларни ҳурмат қилиш асосида ўзлаштириш;

— талабаларнинг интеллектуал, психологик ва жисмонан мавжуд потенциалини уйғунлаштирган ҳолда хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмасини эркин мулоқот даражасига кўтариш;

— хорижий тилда сўзлашув жараёнида юзага келувчи психологик тўсиқларни енга олиш.

Юқоридаги назариялар ва хорижий тил ўқитиш амалиётидан келиб чиққан ҳолда, оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий факторларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Лингвистик омиллар:	Психологик омиллар:
луғат бойлиги; грамматик пойдевор; гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларининг узвийлиги; талаффуз, интонация меъёрлари; аутентик материаллардан фойдаланиш; стилистик бўёқлар, экспрессив- модал воситалар, фразеологик бирликлар	гуруҳда кўркувдан холи, дўстона кайфият яратиш; сўзловчи хато қилганида танқиддан холи бўлиши; ўз фикрларини эркин баён этиш ва уни ҳимоя қила олиши; тилга оид билимларни эгаллаш даражасидан қатъи назар тенглик, ижтимоий муҳит ва ҳ.к; эркин, креатив, коммуникатив ёндашув; мотивация.

Хорижий тилни эгаллаш даражалари чет тилидаги билим ва малакалар тавсифидан иборат бўлган шкалаларда ишлаб чиқирилиши лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

- атрофдаги воқелик ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва бу ҳақда бошқаларга маълумот бера олиш (психолингвистик);
- мулоқот ўрнатишда маданий-эстетик қоидаларга риоя этилаётганлигини назорат қилиш (лингвомаданий ва психолингвистик);
- тилнинг барча даражаларида тегишли нутқ хотираси ва прогностик қобилиятларга эга бўлган нутқни идрок этиш (лингвистик);
- нутқ жараёнида ўз нутқи ва позициясини суҳбатдошнинг позицияси билан таққослай олиш (психолингвистик);
- турли хил ижтимоий ролларда ўзини синаб кўриш (психологик);
- мустақил ижтимоий муносабатларга киришиш (психологик);
- мулоқотнинг турли шакллари ҳақида метакоммуникация (лингвистик);
- паралингвистик ва тилдан ташқари (экстроллингвистик) воситаларни тушуниш, ишлата олиш (лингвистик).

Талабаларнинг хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмалари ва билимини назорат қилишнинг асосий функцияси тақрорлаш ҳамда рағбатлантириш бўлиб, бу талабалар ишига ижобий баҳо бериш, уларни ўқув жараёнида янада юқорироқ натижаларга эришишлари учун мотивация беради. Хориж тилда оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг муваффақиятли шартларидан бири ўқитувчи талабаларнинг ишончини қозона олиши, улар орасида психологик-педагогик муҳитнинг меъёрида бўлишидир. Бунда оғзаки нутқ жараёнини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- баёнот мазмун-моҳияти;
- лексик материалдан унумли фойдаланиш;

- нутқнинг мантикий кетма-кетлиги;
- шахсий фикр ва истакларни ифодалай олиш қобилияти.

Оғзаки нутқ компетенциясининг ривожланиш даражасини баҳолаш куйидаги лингвистик мезонлардан иборат:

- чет тилидаги оғзаки нутқнинг лексик-грамматик, интонацион-синтактик ва фонетик жиҳатдан аниқлиги ва тўғрилиги;
- оғзаки нутқ мулоқоти учун ишлатиладиган стратегияларнинг мақбуллиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- коммуникатив мулоқотда шериклик (ҳамсуҳбатлик) қобилияти;
- оғзаки нутқни лойиҳалашда тил воситаларидан фойдаланишнинг коммуникатив мақсадга мувофиқлиги;
- лингвистик воситалар ва нутқ характеристикасининг ижтимоий-маданий режада мақбуллиги кабилар.

Олий таълим босқичида талабаларнинг аввалги олинган билим пойдеворлари асносида кўпроқ тайёргарликсиз, нутқий вазият стимулига асосланган, ҳаётий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги шахсий, танқидий фикрларини баён этиш малакаларига эътибор қаратилади. Тайёргарликсиз нутқ даражасига чиқишда бутун таълим жараёни давомида комплекс тайёргарликлар кўриб борилади, тайёргарлик асосида мулоқот қилиш босқичи бунда ўзига хос стимул вазифасини бажаради. Хорижий тилдаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг лингво-психологик омилларининг юқоридаги критерияларига таяниб, чет тили дарсларини ташкил этиш ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши ва самарадорлигининг асосий калитидир.

Хулоса. Олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналиш талабаларининг хорижий тилдаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёни таҳлилида куйидаги жиҳатлар аниқланди:

1. Замонавий таълим компонентларида олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларидаги талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантиришда психологик ва лингвистик факторлар, шунингдек, талабаларнинг мутахассисликлари, мавжуд билим ва кўникмалари муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, соҳа тараққиётида турли педагогик ёндашувлар доирасида интеграциялашув жараёни ривожланмоқда.

2. Инновацион таълим технологияларидан, таълим воситаларидан унумли фойдаланиб, хорижий тилдаги билим ва кўникмаларни ривожлантириш асносида талабаларнинг мантикий фикрлаши, хотираси, ижодий фантазияси, коммуникатив қобилиятлари шаклланади.

3. Тили ўрганилаётган мамлакат халқининг маданий ва тарихий мероси, уларнинг тил анъаналари ва хусусиятларига қизиқиш уйғотиш асосида талабаларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган мотивациясини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

4. Олий таълим муассасалари нофилологик йўналиш талабаларида чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ундаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёнида тил ўрганувчилар орасида ўз устида ишлаш, тил малакаларини мустақил ривожлантиришнинг юқори даражасидаги мотивация ярата олиш хорижий тил ўқитувчилари олдидаги долзарб масала бўлиб қолаётганлиги шулар жумласидандир.

Нофилологик таълим йўналишидаги талабаларнинг хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмасини ривожлантириш жараёнида психологик ва лингвистик компонентларни, шунингдек, методик ёндашувларни бирлаштириш ва уйғунлаштириш ушбу жараённинг муваффақиятли кечишида асосий омил бўлади. Ушбу омилларнинг ички компонентлари сифатида куйидагиларни таъминлаш лозим:

- турли хил педагогик ёндашувлар ва таълим методлари, технологиялари элементларининг синтези асосида чет тилини ўқитишнинг ташкилий ва услубий тизимини яратиш;
- талабаларнинг оғзаки нутқ қобилиятларини ривожлантиришга, чет тилини ўрганишга рағбатлантириш; ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг инновацион шакллари ва усулларини амалиётга жорий этиш асосида университетнинг ўқув жараёнини моделлаштириш;
- тил ўрганувчилар орасида тенглик ва дўстона алоқалар ўрнатилиши, уларнинг таълим жараёнидан зерикаши ва зўриқиш ҳолатларининг олди олиниши;
- талабанинг билим даражаси, мавжуд билим ва қўникмаларининг турлича бўлишини инобатга олган ҳолда ҳар бир тил ўрганувчига индивидуал ёндашиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов: Автореф. ...д-ра пед.наук, — Ташкент, 2012. — 46 с.
2. Бим И.Л. Некоторые актуальные проблемы современного обучения иностранным языкам // Иностранные языки в школе, — Москва, 2001. — 256 с.
3. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. — Москва, 2007. — 132 с.
4. Дулепова Н.А. Основы методики преподавания английского языка. — М, 2013. — 150 с.
5. Зимняя И. А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентного подхода в образовании, — М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. — 157 с.
6. Леонтьев А.А. Речь и общение. — М.: ИЯШ. — № 2. 1995. — С. 85–87.
7. Рогова Г.В., Верещагина И.Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в общеобразовательных учреждениях. — М.: Просвещение, 2000. — 232 с.
8. Ростовцева В.М. Компетентность и компетенции: герменевтический аспект в контексте диверсификации современного образования, — Томск: Изд-во ТПУ совместно с изд-вом ИЧА «КИТ», 2009. — 166 с.
9. Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакунов в контексте современного функционирования русского языка и межкультурных взаимодействий: Автореф. ...д-ра пед.наук. — Ташкент, 2007. — 45 с.
10. Mercier, E. M., & Higgins, S. E. (2014). Creating joint representations of collaborative problem solving with multi-touch technology. *Journal of Computer Assisted Learning*, 30 p. Retrieved from: <http://dx.doi.org/10.1111/jcal.12052>
11. Normatova, N.N. (2019). Reinforcing the Development of Foreign Oral Competence of the Students of Higher Education, *IJITEE Scopus Journal*, 3215 p., available at: <https://www.ijitee.org/download/volume-8-issue-9/>, India.
12. Patil, Z.N. (2008). Rethinking the objectives of teaching English in Asia. *Asian EFL Journal*. pp. 227–240. Retrieved from: http://www.asian-efl-journal.com/December_08_zn.php
13. Rivers W. (1981). *Teaching foreign language skills*. 2-nd edition. — Chicago, London: The University of Chicago press. 189 p.
14. Trent, J. (2009). Enhancing oral participation across the curriculum: Some lessons from the EAP classroom. pp. 256–270. *Asian EFL Journal*, 11(1).
15. Tam M. (1997). *Building fluency: a course for non-native speakers of*

English. English Teaching Forum, pp. 35 (1), 26. Retrieved from:
<http://eca.state.gov/forum/vols/vol35/no1/p26.htm>

References

1. Akhmedova L.T. *Teoriya i praktika obucheniya professional'noi russkoi rechi studentov-filologov* (Theory and practice of teaching professional Russian speech to students of Philology) Tashkent. 2012, 46 p.
2. Bim I.L. *Nekotorye aktual'nye problemy sovremennogo obucheniya inostrannym yazykam* (Some actual problems of modern foreign language teaching), Moscow 2001. 256 p.
3. Gal'skova N.D., Gez N.I. *Teoriya obucheniya inostrannym yazykam. Lingvodidaktika i metodika* (Theory of teaching foreign languages. Linguodidactics and methods), Moscow, 2007, 132 p.
4. Dulepova. N.A. *Osnovy metodiki prepodavaniya angliiskogo yazyka* (Fundamentals of methods of teaching English), Moscow, 2013, 150 p.
5. Zimnyaya, I.A. *Klyuchevye kompetentnosti kak rezul'tativno-tselevaya osnova kompetentnostnogo podkhoda v obrazovanii* (Key Competencies as a result-target basis of the competence approach in education), Moscow: Research center for quality problems of training specialists. 2004, 157 p.
6. Leontyev A.A. *Inostrannyye yazyki v shkole*, Moscow, No. 2, 1995, pp. 85–87.
7. Rogova G.V., Vereshchagina I.N. *Metodika obucheniya angliiskomu yazyku na nachal'nom etape v obshcheobrazovatel'nykh uchrezhdeniyakh* (Methods of teaching English at the initial stage in General education institutions), Moscow: Education, 2000, 232 p.
8. Rostovtseva V.M., *Kompetentnost' i kompetentsii: germeneticheskii aspekt v kontekste diversifikatsii sovremennogo obrazovaniya* (Competence and Competences: Hermeneutical Aspect in the Context of Modern Education Diversification), Tomsk: TPU together with the publishing house of ICHA "KIT", 2009, 166 p.
9. Khoshimova D.U., *Lingvodidakticheskie osnovy izucheniya lakun v kontekste sovremennogo funktsionirovaniya russkogo yazyka i mezh'yazykovykh vzaimodeitsvii* (Linguodidactic foundations of lacunae study in the context of modern functioning of the Russian language and interlanguage interactions), Tashkent, 2007, 45 p.
10. Mercier, E. M., & Higgins, S. E. (2014). Creating joint representations of collaborative problem solving with multi-touch technology. *Journal of Computer Assisted Learning*, 30 p., available at: <http://dx.doi.org/10.1111/jcal.12052>
11. Normatova, N.N. (2019). Reinforcing the Development of Foreign Oral Competence of the Students of Higher Education, *IJITEE Scopus Journal*, pp. 3215, available at: <https://www.ijitee.org/download/volume-8-issue-9/> , India.
12. Patil, Z.N. (2008). Rethinking the objectives of teaching English in Asia. *Asian EFL Journal*. pp. 227–240. Available at: http://www.asian-efl-journal.com/December_08_zn.php
13. Rivers W. (1981). *Teaching foreign language skills*, 2-nd edition. Chicago, London: The University of Chicago press, 189 p.
14. Trent, J. (2009). Enhancing oral participation across the curriculum: Some lessons from the EAP classroom. pp. 256–270. *Asian EFL Journal*, 11(1).
15. Tam, M. (1997). Building fluency: a course for non-native speakers of English. *English Teaching Forum*, p.p. 35 (1), 26, available at: <http://eca.state.gov/forum/vols/vol35/no1/p26.htm>